

“Халқ банки тизимида
шартномаларни тузиш бўйича
Тавсиялар”га
1 - илова

Кредитнинг тўлиқ қиймати
(рақам ва сўз билан ёзилади)

Кредит линияси очмасдан кредит бериш шартномаси

_____ III.

20__йил «____» _____.

Ўзбекистон Республикаси акциядорлик тижорат Халқ банки номидан (бундан бўён матнда «Банк» деб аталувчи) 20__йил “__” ____ даги ____-сонли ишончнома асосида фаолият юритувчи _____ БХМ бошлиғи _____ бир томондан ва иккинчи томондан “_____” _____ АЖ/МЧЖ/ЯТТ номидан (бундан бўён матнда «Қарз олувчи» деб аталувчи) Низом/Гувоҳнома/ишончнома асосида фаолият юритувчи раҳбар/тадбиркор _____ ушбу шартномани қуидагилар хақида туздилар:

1. Шартнома предмети

1.1. Банк Қарз олувчига мазкур шартномада кўрсатиб ўтилган миқдорда ва шартлар асосида пул маблағлари (кредит) бериш мажбуриятини, Қарз олувчи эса ўз навбатида олинган пул маблағларини белгиланган муддатда қайтариш ва пул маблағларидан фойдаланганилиги учун фоизлар тўлаш мажбуриятини олади.

2. Кредит суммаси ва шартлари

2.1. Кредит суммаси _____ сўм.
(сўз ва рақам билан)

2.2. Кредитдан фойдаланиш муддати _____.

2.3. Кредитнинг имтиёзли даври _____.

2.3. Асосий кредит ва кредиттаги ҳисобланган фоизлар тўлови ушбу шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланган тўлов жадвали (1-иловаси)га мувофиқ амалга оширилади.

2.4. Кредит бўйича фоиз ставкаси йиллик: Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг асосий ставкаси +3 (уч) фоиз.

Фоиз ставкаси кредит шартномаси тузилган санадаги Марказий банкнинг асосий ставкасидан келиб чиқиб банкнинг дастурий таъминотида ўзгармас ставкада белгиланади.

2.5. Кредитнинг мақсади ва обьекти – Чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик, күёнчилик, асаларичилик маҳсулотини етиштириш, ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва саклаш, шунингдек, қишлоқ хўжалик технологиялари ва сувни тежайдиган ускуналар сотиб олиш учун

2.6. Молиялаштириш манбаси - Франция Тараққиёт Агентлиги (ФТА) маблағлари ҳисобидан.

2.7. «Қарз олувчи» «Банк»га Кредит ташкил қилинганлиги учун кредит суммасининг 0,5 фоиз миқдорида миллий валютада Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг расмий курси бўйича кредит олувчи томонидан тўланади.

2.8. Франция Таракқиёт агентлиги (ФТА) томонидан лойиҳани амалга оширишга розилик берилиб, Банкнинг вакиллик ҳисоб рақамига кредит маблағлари келиб тушгандан сўнг амалга оширилади.

2.9. Кредит ва унга ҳисобланган фоизлар бўйича тўловларини амалга ошириш куни; 5 апрел ва 5 октябр (агар тўлов куни дам олиш куни ёки байрам кунларига тўғри келган ҳолларда тўлов кунидан олдинги иш кунидан амалга оширилади).

2.10. Кредитнинг қайтариш санаси _____.

3. Қарз олувчининг тасдиғи

3.1. Қарз олувчи қуидагиларни тасдиқлайди ва кафолатлайди:

- Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига белгиланган тартибда ташкил этилган ва рўйхатта олинган тадбиркорлик субъекти ҳисобланади;

- ушбу шартномани тузиш ва унинг ижроси, ҳамда шартноманинг барча шартлари Қарз олувчининг таъсис хужжатларига зид эмас;

- Банкка тақдим этилган молиявий ҳисботлар ҳақиқий ва улар Қарз олувчининг молиявий ахволини акс эттиради. Қарз олувчи Банкка тақдим этилган молиявий ҳисбот ва бошқа хужжатларда акс

эттирилган мажбуриятлардан бошқа ҳақиқий ёки шартли мажбуриятларга, шунингдек бошқа шахслар фойдасига берилган кафилликка эга эмас;

- Қарз олувчига нисбатан маъмурйи ва бошқа суд ишлари кўзгатилмаган ва учинчи шахслар олдида Қарз олувчининг мазкур шартнома бўйича мажбуриятларини бажаришига сезиларли даражада таъсир кўрсатиши мумкин бўлган бажарилмаган мажбуриятлари йўқ;

- Қарз олувчи унга Банк томонидан ажратилаётган кредит тўғрисидаги маълумотларни Банклараро кредит бюросига тақдим этилишига ўз розилигини берган;

- Қарз олувчи томонидан унинг активлари учинчи шахслар фойдасига гаровга қўйилмаган, Қарз олувчининг мулкига нисбатан ушлаб қолиш ҳуқуқи мавжуд эмас.

4. Тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

4.1. Банкнинг мажбуриятлари:

4.1.1. Қарз олувчига мазкур шартномада кўрсатилган микдорда ва шартларда кредит бериш;

Бунда, Банкнинг ушбу шартнома бўйича кредит ажратиши мажбурияти, кредит қайтарилишининг таъминланишини белгиловчи ҳужжат белгиланган тартибда тўлиқ расмийлаштирилган ва Банк томонидан қабул қилиб олинган (*ипотека бўлган ҳолларда - ипотека шартномаси қонунда белгиланган тартибда расмийлаштирилиб, давлат рўйхатидан ўтказилгандан ва гаровга қўйилган мулк мажбурий тартибда сугурталангандан сўнг*) кундан бошлаб юзага келади.

4.1.2. Олинган кредитни ҳисоблаш учун Қарз олувчига ссуда ҳисоб рақамини очиш;

4.1.3. Қарз олувчини Банк томонидан кредитни муддатидан илгари ундириш асослари ва сабаблари ҳакида хабардор қилиш.

4.2. Қарз олувчининг мажбуриятлари:

4.2.1. Ушбу шартнома имзоланган кундан бошлаб ____ (____) кунлик муддат ичida, кредит қайтарилишининг таъминланишини белгиловчи ҳужжатларни (*ипотека бўлган ҳолларда - ипотека шартномаси қонунда белгиланган тартибда расмийлаштирилиб, давлат рўйхатидан ўтказиши, гаровга қўйилган мулки мажбурий тартибда сугурталаш, белгиланган тартибда тўлиқ расмийлаштириши*) ва Банкка расмий равиша тақдим этиш;

4.2.2. Кредитни ва унга ҳисобланган фоизларни мазкур шартномада белгиланган муддатларда ўз вақтида ва тўлиқ қайтарилиши ҳамда тўланишини таъминлаш, шунингдек, кредиторга тўлов муддати келганда қарз олувчининг барча (ҳар қандай) ҳисобваракларидан олдиндан берилган акцепт билан тўлов ҳужжати (тўлов талабномаси ёки мемориал ордер) орқали шартномадан келиб чиқадиган ҳар қандай мажбуриятларни тўлаш учун пул маблагларини ҳисобдан чиқариш ҳуқуқини бериш (неустойка ҳам шулар жумласидан). Қўйилган талабнома мазкур шартномага асосан қарз олувчи томонидан акцептланган ҳисобланади.

4.2.2. Кредитдан факат мазкур шартномада кўрсатиб ўтилган мақсадларда фойдаланиш;

4.2.3. Кредитдан фойдаланиш жараёни давомида кредитлашнинг асосий тамойиллари: муддатлилик, қайтаришлилик, мақсадлилик, тўловлилик, кредит қайтарилишининг ишончлилиги ва таъминланганингриоя қилиш;

4.2.4. Қарз олувчининг молиявий аҳволини мониторинг ва таҳлил қилиш учун Банкка бухгалтерлик баланслари, фойда ва

(ҳар ойда ёки ҳар чоракда)

зарарлар бўйича молиявий ҳисоботлар ва бошқа ҳужжатлар ва маълумотларни тақдим этиш;

4.2.5. Банк ходимларини мақсадли текширишлар (Қарз олувчининг молиявий ҳолати, ҳисоб юритиши ҳамда ҳисобот бериш ахволи, кредитдан мақсадли фойдаланиш, кредитланган товар-моддий бойликларнинг ҳамда гаровга қўйилган мулкнинг сақланиши ва бутлиги масалалари бўйича) ўтказишлари учун ишлаб чиқариш, омбор, хизмат ва бошқа биноларга киритиш, шунингдек уларнинг талабларига асосан бирламчи ҳисобот ва бухгалтерлик ҳужжатлари билан таништириш;

Мақсадли текширишлар муддати Қарз олувчининг розилигисиз Банк томонидан белгиланади.

4.2.6. Ташиблий-ҳуқуқий шаклининг ўзгариши ёки Қарз олувчининг молиявий аҳволига ўз таъсирини ўтказувчи ҳар қандай бошқа қайта ташкил этиш ҳолатлари юзасидан Банкни 15 кун олдин ёзма равиша хабардор қилиш;

4.2.7. Қайта ташкил этилаётганда ёки тутатилаётганда зудлик билан кредитни қайтариш ва шартномада муддатидан қатъий назар, кредит бўйича барча фоизларни тўлаш;

4.2.8. Мазкур шартнома амал қилиш муддати давомида Қарз олувчи куйидагиларнинг бажарилишини таъминлаши лозим:

- ўз фаолиятини малакали раҳбарлари назорати остида лозим даражадаги самарадорлик билан қонунчиликка мувофиқ, шунингдек умумтан олинган тамойиллар ва соғлом амалиётга асосланиб амалга ошириш (фаолият юритиши);

- ўз мулкини, асбоб-ускуналари ва бошқа мол-мулкини нормал ҳолатда саклаш (асосий фондларни эксплуатация қилиш);

- бухгалтерлик ҳисобини ва ички назоратни амалдаги бухгалтерлик ҳисоби ва ҳисоботи қоидаларига асосан олиб бориш ва ҳар иили ўз молиявий ҳисоботларининг аудитини ўтказиш;

- агар Банк бошқа шартларга рози бўлмаса, айланма маблағлари белгиланган меъёр (норматив)дан, шунингдек бошқа коэффициентларни (қайтариш, ликвидлик ва бошқалар) кредит бериш вақтида қайд этилган дараражадан паст бўлмаган ҳолда бўлишини таъминлаш;

- кредитланаётган лойихани лозим дараражадаги самарадорлик билан хавфсизлик, атроф муҳитни муҳофаза килиш нормалари ва амалиётига асосан амалга ошириш;

- ҳар қандай суд низолари, шартномавий мажбуриятлардаги ёки унинг молиявий ҳолати бўйича кредитнинг қайтарилишига салбий таъсир кўрсатувчи бошқа ўзгаришлардан Банкни ўз вақтида ёзма равиша хабардор қилиб туриш;

- ўзининг фаолиятини амалга ошириш ва мазкур шартнома шартларини бажариш учун лозим бўлган барча руҳсатнома ва лицензияларни ўз вақтида олиш ва уларнинг муддатини узайтириш.

4.2.9. Мазкур шартнома кучда бўлган даврда, агар улар кредитланаётган лойихага ва ёки Қарз олувчининг мазкур шартнома бўйича мажбуриятларини бажариш имкониятига салбий таъсир кўрсатадиган бўлса, Банкнинг олдиндан розилигини олмасдан, Қарз олувчи куйидаги харакатлардан бирортасини амалга ошириласлиги зарур:

- бошқа кредиторлардан кредит ва қарз олиш, бошқа шахсларга кредит ва қарз бериш, учинчи шахсларнинг кредиторлари олдида кафил (ёки гарант) бўлиш;

- ўзъба корхонаси очиш, ўз таъсис хужжатларига катта аҳамиятта эга бўлган муҳим ўзгаришилар киритиш;

- ҳар қандай қайта ташкил этиш ва тугатишни амалга ошириш;

- кредит хисобига сотиб олинган мулкининг ҳаммасини ёки бир қисмини сотиш ёки бошқа йўллар билан бегоналаштириш, бегона шахсларга бериш, ижарага бериш, гаровга қўйиш, ушлаб қолиш хукуқи ва учинчи шахслар фойдасига ўз мулкига нисбатан бошқа имтиёзли хукуқларни вужудга келтириш;

- дивиденд тўлаш ва фойдани бошқа усусларда тақсимлаш (мазкур шартнома кучга киргунга қадар олинган фойдалар учун дивидендлар тўлаш бундан мустасно), бошқа юридик шахсларнинг бирон-бир инвестицион қимматли қоғозларини сотиб олиш;

- ўз капиталини камайтириш.

Қарз олувчи Банкнинг олдиндан розилигини олмасдан юкоридаги харакатларни амалга оширган ҳолларда, Банк кредит ва унга хисобланган фоизларни муддатидан олдин қайтариш чораларини қўриши мумкин.

4.2.10. Халқ банкининг “Contact center” операторлари кўнғирокларига хушмуомалик билан жавоб бериш ва мулоқатда бўлиш ҳамда СМС хабарларини ижобий қабул қилиш;

4.2.11. Қарз олувчининг телефон рақами ўзгарган ҳолларда, зудлик билан Банкни хабардор қилиш. Бунда, телефон рақами ўзгарган кундан бошлаб икки иш кунида Халқ банкининг “Contact center” операторлари орқали Банкни хабардор қилиши лозим.

4.2.12. Қарз олувчининг кредит тарихини шакллантириш мақсадида зарур бўлган маълумотларни Банклараро кредит бюросига тақдим этиш учун Қарз олувчи Банкка ўз розилигини беради.

4.3. Банкнинг хукуқлари:

4.3.1. Қарз олувчи тўловга лаёқатсиз деб топилганда, кредитни таъминлаш учун гаровга кўйилаётган мулк бошқа кредит муассасида гаровда турганлиги аниқланганда, кредитни таъминлаш бўйича ўз мажбуриятларини бажармаганда, кредитдан мақсадсиз фойдаланганда, шартнома имзолангандан кейин тақдим этилган кредитни қайтарилишига таъсир кўрсатувчи маълумот ва хисоботларнинг ҳаққоний эмаслиги аниқланганда ҳамда Қарз олувчи томонидан Банкнинг ушбу шартнома бўйича мажбуриятлари кучга кирган вақтдан бошлаб 1 (бир) ойдан кўп муддат давомида кредитдан фойдаланилмаганда (тўлов хужжатларини тақдим этмаслик) ушбу шартномада назарда тутилган кредитни беришдан бутунлай ёки қисман бош тортиш;

4.3.2. Кредитлаш жараённида ажратилган кредитга тегишли бўлган бухгалтерия ва статистик хисоботларни (корхонанинг молиявий-хўжалик аҳволи, кредитдан мақсадли фойдаланиш, кредитнинг таъминланганлиги, кредитга лаёқатлилиги ва бошқалар) олиш ва таҳлил қилиш;

4.3.3. Куйидаги ҳолларда Қарз олувчини бундан бўён кредитлашни тўхтатиш ва фоизларни ҳамда кредит бўйича асосий қарзни муддатидан олдин, шунингдек ундирувни кредит таъминотига қаратиш орқали ундириш:

- кредитдан мақсадсиз фойдаланилганда;

- 30 (ўттиз) кундан ортиқ муддатда кредит бўйича асосий қарз ва фоизлар тўланмаганда;

- Қарз олувчининг молиявий аҳволи ёмонлашганда (зарарлар, ноликвид баланс ва бошқалар) бухгалтерлик хисоби лозим дараражада юритилмаганда, тақдим этилган хисоботларнинг нотўғрилиги (ҳаққоний эмаслиги) аниқланганда;

- мазкур шартномага асосан Қарз олувчи хисобот маълумотларини тақдим этмаганда, Банк назоратидан бўйин товлаганда (бош тортганда);

- Қарз олувчи томонидан Банкка кредит хужжатлари расмийлаштирилаётганда тақдим этилган маълумотлар ҳаққоний эмаслиги аниқланганда;

- ажратилган кредитнинг қайтарилиши турли сабабларга кўра таъминланмаган бўлиб қолган холларда, шунингдек кредит қайтарилишига салбий таъсир кўрсатувчи мазкур шартномада кўзда тутилган бошқа мажбуриятлар бажарилмагандა;

Бундай холларда Банк олдиндан 10 банк иш кундан кўп бўлмаган муддат ичидаги Қарз олувчининг хабардор килади, аммо Қарз олувчининг Банк томонидан огоҳлантирилмаганлиги Банкнинг бундан бўён кредитлашни тўхтатиш ва фоизларни ҳамда кредит бўйича асосий қарзни муддатидан олдин ундиришга бўлган хукуқига ўз таъсирини кўрсатмайди.

4.3.4. Бевосита Қарз олувчи жойлашган жойда кредитнинг мақсадли ишлатилишини ҳамда кредит таъминотининг ҳолатини ўрганиш бўйича текширувларни (мониторингни) амалга ошириш;

4.3.5. Қарз олувчининг кредит тарихини шакллантириш учун зарур бўлган маълумотларни Банклараро кредит бюросига тақдим этиш;

4.3.6. Ажратилган кредит маблағлари ёки унинг бир қисми Қарз олувчи томонидан мақсадсиз ишлатилган холларда, Қарз олувчига нисбатан тегишли чора кўриш учун материалларни хукуқни муҳофаза килувчи органларга тақдим этиш;

4.3.7. Халқ банкининг “Contact center” операторлари орқали Қарз олувчининг мобил телефонига тўлов жадвалига мувофиқ тўловлар яқинлашаётганлиги ҳақида 10 кун олдин СМС хабарлар юбориш;

4.3.8. Қарз олувчи томонидан кредит ва унга ҳисобланган фоизлар мазкур шартномада белгиланган муддатларда тўланмаган холларда, Халқ банкининг “Contact center” операторлари орқали Қарз олувчининг мобил телефонига СМС эслатмалар юбориш. Шунингдек, Қарз олувчи билан шахсан мулоқат олиб борган ҳолда тўловлар белгиланган муддатларда амалга оширилиши лозимлиги ҳақида, ҳамда акс ҳолда Қарз олувчига нисбатан қонуний чоралар кўрилиши мумкинлиги тўғрисида тушунтириш ишларини амалга ошириш, шунингдек шу мазмунда СМС хабарлар юбориш.

4.3.9. Қарз олувчининг муддати ўтган қарздорликларини мажбурий равишда ундириш мақсадида, судга даъво аризаси (суд буйруғи бериш ҳақида ариза берилганлиги) киритилганлиги ёки нотариуснинг ижро хати асосида ундириш тўғрисида ариза берилганлиги ҳақида Қарз олувчининг мобил телефонига СМС хаборномалар юбориш.

4.4. Қарз олувчининг хукуқлари:

4.4.1. Олдиндан (3 банк иш кун давомида) Банкни хабардор қилиб, ҳеч қандай жарима тўловларисиз кредит олишдан тўлиқ ёки қисман воз кечиши;

4.4.2. Кредит бўйича қарзни ҳеч қандай жарималарисиз муддатидан олдин қайтариш;

4.4.3. Кредитлаш ва ҳисоб-китоблар бўйича Ўзбекистон Республикаси меъёрий-хукукий ҳужжатлари ва Банкнинг ички меъёрий ҳужжатларидағи ўзгаришлар ҳақида Банкдан маълумот олиш. Шунингдек, Халқ банкининг “Contact centri” орқали банқдан олинган кредит юзасидан тегишли маълумотларни олиш.

5. Ҳисоб-китоблар тартиби ва тарафларнинг жавобгарлиги

5.1. Банк кредитни мазкур шартномада кўрсатилган шартлар асосида Қарз олувчининг ссуда ҳисоб рақамидан пул ўтказиш ўйли билан товар-моддий бойликлар (бажарилган ишлар ва кўрсатган хизматлар)га тўлаш учун ажратади.

Кредит олувчи кредит маблағларидан мақсадсиз фойдаланганлиги аниқланса, мақсадсиз ишлатилган кредит маблағи суммасига нисбатан 25 фоиз микдорида бир маротабалик жарима тўлади.

5.2. Қарз олувчи берилган кредитни ва кредитдан фойдаланганлик учун ҳисобланган фоизларни мазкур шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланган 1-иловда белгиланган муддатларда ва микдорда Банкнинг ҳисоб-китоби асосида тўлади. Кредитдан фойдаланганлик учун фоизлар ҳар куни Банк томонидан ҳисоблаб борилади.

5.3. Асосий қарзни қайтариш муддати кечикирилганда (муддати ўтган кредит), Қарз олувчи Банкка бутун кечикирилган давр учун шартномада белгиланган фоиз ставкасининг 1,3 баравар оширилган микдорида фоиз тўлади.

5.4. Фоизлар тўлови бўйича муддати ўтган қарздорликлар юзага келган холларда, Қарз олувчи Банкка тўловларнинг ҳар бир кечикирилган куни учун кечикирилган тўлов суммасининг 0,1 фоизи микдорида пеня тўлади, бунда пеня суммаси кечикирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

5.5. Қабул қилинган муддатли мажбуриятномалар ҳамда мазкур шартнома шартларига асосан ажратилган кредитни ҳамда у бўйича фоизларни қайтариш тўлов топширикномаси орқали пул ўтказиш ўйли билан амалга оширилади. Аввал фоизлар бўйича ҳисобланган қарздорлик, кейин кредит бўйича асосий қарз қайтарилади (қопланади).

5.6. Мазкур Шартнома бўйича муддати ўтган қарздорликлар юзага келган холларда, Банк ўзининг талабларини қаноатлантириш учун зарур бўлган тегишли пул маблағларини Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 783-моддасига мувофиқ Қарз олувчининг барча ҳисобварақларидан акцептсиз тартибда ундиради ва бу ҳакда Халқ банкининг “Contact center” операторлари орқали Қарз олувчининг мобил телефонига СМС хабарнома юборади.

5.7. Ушбу шартноманинг 4.1.1-бандига мувофиқ, Банкнинг кредит ажратиш юзасидан мажбурияти юзага келган кундан бошлаб, Банк Қарз олувчига кредит ажратишни кечикирилган холларда, ҳар бир

кечиктирилган кун учун кечиктирилган кредиттинг 0,1 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пеня суммаси кечиктирилган кредит суммасининг 10 фоизидан ошмаслиги лозим.

5.8. Кредит қарздорликлар қайтарилмаганлиги сабабли суд хужжатига ёки нотариус ижро хатига асосан мажбурий ундирув чоралари кўрилади.

6. Кредит қайтарилишининг таъминланиши

6.1. Мазкур шартнома асосида ажратилган кредит,

(гаров, кафолат, кафилик)

билин таъминланади.

7. Низоларни ҳал этиш тартиби

7.1. Тарафлар ушбу шартнома юзасидан келиб чиқадиган келишмовчилик ва низоларни музокара йўли билан ҳал этадилар.

7.2. Ўзаро келишувга эришилмаган низолар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун хужжатларига мувофиқ тегишлилик бўйича судлар томонидан кўриб чиқилади.

8. Форс-мажор ҳолатлар

8.1. Агар шартнома имзолангандан сўнг, тарафларнинг эрки ва истагига боғлиқ бўлмаган ҳамда олдиндан кўра билиш ёки олдини олиб бўлмайдиган, фавқулодда вазиятлар оқибатидаги енгиб бўлмас куч туфайли тарафлар мазкур Шартнома бўйича олган мажбуриятларини қисман ёки тўлиқ бажара олмасалар (форс-мажор), бунинг учун улар жавобгар бўлмайдилар.

Бунда тарафларнинг ҳеч бири, ажратилган кредитни қайтариш бўйича мажбуриятдан ташқари, кўрилиши мумкин бўлган заарларни қоплашни талаб қилишга ҳақли бўлмайди.

8.2. Куйидагилар фавқулодда вазиятлар (форс-мажор) бўлиб хисобланади: сув тошкини, ёнгин, зилзила, порглаш, бўрон, ер кўчкиси, эпидемия, пандемия ва бошқа табиат ҳодисалари, уруш ёки ҳарбий харакатлар, фуқаролик тартибсизликлари, террорчилик харакатлари.

8.3. Форс-мажор ҳолатлари юзага келганда мажбуриятлар бажариш муддати бундай ҳолатлар ва уларнинг оқибатлари давом этган вақтга мутаносиб равишда кечиктирилади.

8.4. Тарафлар форс-мажор ҳолатлари вужудга келганлиги ва тугаганлиги ҳакида зудлик билан ёзма равишда бир-бирларини хабардор қилишлари лозим.

8.5. Форс-мажор ҳолатига асосланаётган тараф, ваколатли давлат идорасининг бундай ҳолатларни вужудга келганлигини тасдиқловчи тегишли хужжатини тақдим этиши шарт.

8.6. Кредитлаш манбаи Марказий банкнинг марказлаштирилган маблағлари бўлган ҳолатда, агар бирор-бир сабабларга кўра кредит ажратиш кечиктирилган бўлса ёки муддатидан олдин Марказий банк томонидан ресурслар қайтариб олинган бўлса, кредиттинг ажратилмаган қисми учун Банк жавобгар бўлмайди.

9. Бошқа шартлар

9.1. Ушбу шартнома имзолангандан кундан эътиборан кучга киради ва мазкур шартнома бўйича тарафлар ўз мажбуриятларини тўлиқ бажаргунга қадар амалда бўлади.

9.2. Ушбу шартноманинг шартларини ўзгартириш ёки уни бекор қилиш қўшимча келишув тузиш орқали амалга оширилади. Мазкур шартномага киритиладиган ҳар бир ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма равишда тузилиб, томонларнинг ваколатли вакиллари томонидан имзолангандан ва муҳр билан тасдиқлангандан сўнг ҳакиқий хисобланади. Барча ўзгартириш, қўшимчалар ва иловалар мазкур шартноманинг ажралмас қисми бўлиб хисобланади.

9.3. Ушбу шартнома бекор қилинишида Қарз олувчи кредит бўйича асосий қарзни ва хисобланган фоизларни тўлиқ қайтариши шарт.

9.4. Ушбу билан Қарз олувчи унинг кредит тарихини шакллантириш учун зарур бўлган барча маълумотларни Банк томонидан Банклараро кредит бюросига берилишига ўз розилигини беради.

9.5. Мазкур шартномада кўзда тутилмаган ҳолатлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун хужжатларида белгиланган нормалар асосида тартибга солинади.

9.6. Томонларнинг банк реквизитлари, манзиллари, турар жойлари ўзгарган ҳолларда тарафлар бир-бирларини ёзма равишда хабардор қилишлари шарт.

9.7. Қарз олувчи томонидан кредиттинг асосий қарзи ва хисобланган фоизларни тўлаш муддати 60 (олтмиш) кун муддатгача кечиктирилганда ёки банк юзага келган қарздорликни тўлаш бўйича 2 (икки) марта огохлантириш хати юборганида мижоз томонидан қарздорликларни қопланиши таъминланмаган тақдирда, кредит қарздорлиги суд тартибида ундириш бўйича огохлантирилди.

9.8. Ушбу шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилган бўлиб, тарафларда бир нусхадан сақланади.

10. Томонларнинг юридик манзиллари

тўлов реквизитлари, имзолари

Банк	Карз олувчи
Манзил: x/p.	Манзил: x/p.
МФО	МФО
СТИР:	СТИР:
<p>“Contact center” алоқа тел.рақами: (71) 210-20-02</p> <hr/> <p style="color: red;">(Вакыл лавозими, Ф.И.Ш..имзо)</p> <hr/> <p style="color: red;">(бош бухгалтер Ф.И.Ш.,имзо)</p> <hr/> <p style="color: red;">(юрисконсульт Ф.И.Ш.,имзо)</p> <p>мухр, сана ____ ____ ____ й.</p>	<p>Тел.рақами:</p> <hr/> <p style="color: red;">(Лавозими, Ф.И.Ш, имзо)</p> <hr/> <p style="color: red;">(бош бухгалтер Ф.И.Ш.,имзо</p> <p>мухр, сана ____ ____ ____ й.</p>

202__ йил «__» ____ даги
сонли Кредит линияси очмасдан
кредит бериш шартномасига 1-илова

**Кредит линияси очмасдан кредит бериш шартномасига асосан
қарзни қайтариш жадвали (графики)**

Муддатли мажбуриятлар бўйича кредит суммаси (сўз ва рақам билан)	Асосий кредитни қайтариш санаси	Фоизларни тўлаш санаси
1.		
2.		
Банк	Карз олувчи	
(лавозим, ФИШ ва имзо)	(лавозим, ФИШ ва имзо)	
(бош бухгалтер Ф.И.Ш.,имзо)	(бош бухгалтер Ф.И.Ш.,имзо)	
мухр, сана ____ ____ ____ й.	мухр, сана ____ ____ ____ й.	

